

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (12.707)


Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 25 июль, ЖУМА

МУСТАҚILLIY • INDEPENDENCE • NEZAMCHISLIK
23
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»: ПАРВОЗИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Ушбу ибора Ўзбекистондан Европа, Осиё ва Американинг қирқдан зиёд шаҳрига парвоз қилаётган самолётлар саломида мунтазам жаранглайди. Фарбда Нью-Йоркдан шарқда Токиога қадар, шимолда Томендан жанубда Сингапурга ҳалқаро аэропортларнинг учини майдонларида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси рамзи туширилган замонавий самолётларни учратиш мумкин. Жадал, барқарор ва изчил ривожланиб бораётган ушбу авиаташувчи мустақил Ўзбекистоннинг тимсолларидан биридир.



Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар

ҲАР ДОИМ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА БЎЛИШ

Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси маълумотларига кўра, ҳаёнда турли даражадаги 1300 дан зиёд давлат ва ҳусусий авиакомпания мавжуд. 470 дан ортиқ авиаташувчи халқаро ҳаво қатновларини амалга оширс, шунинг 250 га яқини мунтазам халқаро авиарейсларни йўлга қўйган. Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонида буюн 22 йил аввал ташкил қилинган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жиддий рақобат шароитида ҳаёнда авиабозориди ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Хавфсизлик, қўлайлик ва юқори сифатли хизмат кўрсатиш компаниянинг ўзига хос таширф қозонига айланган. Утган йили Британиянинг мустақил SkyTrax рейтинг агентлиги томонидан миллий авиакомпаниямиз кўрсатётган хизматлар сифатининг аудити яқунлари ҳам бунга яна бир бор тасдиқлади.

Компаниямиз эришяётган барча ютуқлар — бу давлатимиз раҳбарининг доимий эътибор ва ҳамқўрлиги, технологик паркни мунтазам модернизация қилиш, Фарбда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган лайнерларга техник хизмат кўрсатишни ривожлантириш, ер усти инфратузилмасини такомиллаштириш, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ этиш, мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш каби йўналишларни ўз ичига олган аниқ мақсадли ва серқирра ишлар самарасидир, — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Акмал Акбаров.

Миллий авиакомпаниянинг ишлаб чиқариши ва молиявий кўрсаткичлари йил сайин ўсиб, иш самардорлиги ортиб бормоқда. 2014 йилнинг биринчи ярмида 11,4 мингдан зиёд парвоз амалга оширилиб, 1,2 миллион нафардан ортиқ йўловчи, 20 минг тоннадан кўпроқ юк, жумладан, почта ташилди. Бунга авиабозор талаблари тез мослашиб, йўналишлар географиясини кенгайтириш ва парвозлар сонини кўпайтириш эъзига эришилмоқда. Жорий йилда Сингапурга ҳаво қатнови йўлга қўйилди, Термиздан Санкт-Петербургга, Урганчдан Волгоградга авиайўналишлар очилди, парвозлар сони кўпайди. Масалан, Тошкент-Рига-Нью-Йорк ва Нью-Йорк-Рига-Тошкент йўналиши бўйича рейслар ҳафтада икки марта — пайшанба ва якшанба кўнлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз туризм салоҳиятини юксалтириш мақсадида Франкфурт, Париж ва Милан шаҳридан ҳаво қатнови Урганч шаҳри орқали амалга оширилмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲАВО БАНДАРГОҲЛАРИ

Мавжуд техник базани янгиллаш, ҳусусан, йўловчи ва юк терминаллари инфратузилмасини такомиллаштириш миллий авиакомпаниямиз фаолиятининг истиқболли йўналишларидан биридир. Президентимизнинг доимий эътибори самарасида мамлакатимиз аэропортларида учини-қўнчи йўлақлари реконструкция қилинди, аэровокзал комплексларининг ташқи кўриниши деярли тўлиқ янгиланди, йўловчи терминаллари сони кўпайтирилиб,

хизмат кўрсатиш технологияси яхшиланди. Янги учини-қўнчи йўлақлари ҳар қандай русумдаги самолётларни, терминаллар эса оқими тобора кўпайиб бораётган йўловчиларни қабул қилишга қодир.

«Тошкент» аэропортида бир соатда 400 йўловчига хизмат кўрсатадиган маҳаллий ҳаво йўлларининг янги аэровокзали барпо этилди. Халқаро авиаташув терминалида йўловчилар учун қўшимча шароитлар яратилди. Бу ерда юқори даражадаги қўлайликларга эга бизнес-зал, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, тамадди-хона, «Duty-free» дўкони йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Айни пайтда аэропортнинг VIP ва CIP заллари капитал таъмирланмоқда.

«Навоий» ва «Бухоро» аэропортларида барча қўлайликларга эга ва юқори технологияли усқуналар билан жиҳозланган янги йўловчи терминаллари самарали фаолият кўрсатмоқда. «Урганч» халқаро аэропортида 2011 йилда йўловчиларни қабул қиладиган янги зал, бир ой аввал эса соатига 300 кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга йўловчи терминали ишга туширилди. Хоразм вилоятига келаётган сайёҳлар учун воҳанинг транспорт имкониятлари, бу ердаги меҳмонхоналар, умумий овқатланиш жойлари тўғрисида ва бошқа фойдали маълумотларни ўз ичига олган аэропорт хонаси ташкил этилди. Мустақиллик байрами арафасида «Фарғона» аэропортида ҳам янги аэровокзал фойдаланишга топширилди.

Аэропортлар инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 12 аэропорти халқаро мақомга эга бўлди. Шу йилнинг февраль ойида «Тошкент», «Бухоро», «Самарқанд», «Нукус», «Қарши», «Термиз», «Урганч», «Андижон», «Фарғона», «Навоий», «Наманган» аэропортлари бошқа бўлиналар қатори ISO 9001:2008 халқаро сифат стандарти талабларига мувофиқлик бўйича дастлабки сертификатция аудитидан ўтди.

Мамлакатимиз аэропортларининг турли халқаро танловларда муваффақият қозонаётгани уларнинг самарали фаолият кўрсатаётганидан далолат беради. Жорий йилнинг июнь ойида утча аэропорт 2013 йилги фаолияти яқунлари бўйича «МДХ мамлакатларидаги энг яхши аэропорт» танловининг турли номинацияларида ғолиб бўлди. Мисол учун, йилга юз мингдан ярим миллион нафаргача йўловчи ташилётган «Бухоро» ҳаво бандаргоҳи «Барқарор ривожланаётган аэропорт» мақомига сазовор бўлди. «Самарқанд» ва «Урганч» халқаро аэропортлари «Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси» номинациясида ғолиб чиқди.

Халқаро экспертлар Ўзбекистон аэропортларини хавфсизлиги таъминлаш нуктаи назаридан ишончли деб эътироф этмоқда. Уларнинг барчасида газ анализаторлари ва металл излаш мосламалари, сканерлар ишлаб турибди, янада такомиллашган ва ишончли техника жорий этилаётди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан патруль хизматининг йўлга қўйилгани, ҳудудларни видеокузатув ва махсус техник текширув воситалари билан таъминлаш аэропортларда хавфсизлик даражасини юксалтиришга ёрдам бермоқда.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

24 июль куни Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг навбатдаги мажлиси
бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Бир кун олдин сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда кун тартибига киритилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаларини ҳар томонлама муҳокама қилиш яқунларида кўра уларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Депутатлар ўз ишини «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда ҳар томонлама муҳокама қилишдан бошладилар. Қонун лойиҳаси Конституциянинг Қонунчилик палатаси депутатлар гуруҳининг ташаббусига кўра Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини конституциявий жиҳатдан мустақамлашни назарда тутувчи 117-моддасига киритилган тузатишларни амалда рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг қаролатларини мустақамлашга ва ваколатларини янада кенгайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи, қонун лойиҳаси учун масъул бўлган қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, шунингдек, демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталари кенгайтирилган йиғилиш ўтказди. Тадбир чоғида қонун лойиҳасини тайёрлашда келиб тушган барча таклиф ва фикр-мулоҳазалар умумлаштирилди. Шунингдек, мажлисда тегишли соҳа экспертлари, олимлари иштирок этиб, ушбу ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар бердилар.

(Давоми 3-бетда)

Бюджет маблағларидан оқилонга
фойдаланиш мамлакатимизда амалга
оширилаётган ислохотлар самардорлигини
ошириш, тинчлик ва барқарорликни
таъминлаш, шунингдек, аҳоли ҳаёт
даражаси ва фаровонлигини яхшилашда
катта аҳамиятга эгадир.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ — ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатаси ва Молия
вазирлигининг ҳамкорлиқда
ишлари дастурига асосан
бюджет ташкилотларида
бюджет қонунчилигига риоя
этишга оид назорат тадбир-
лари тизимли равишда
амалга оширилмоқда.

Оқлатилган вазифалар
ижросини таъминлаш мақса-
дида 2014 йилнинг биринчи
ярмида республика ва ма-
ҳаллий бюджетдан молия-
лаштириладиган 143 ташки-
лотда текширув ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия,

картография ва давлат ка-
дастри давлат қўмитаси
ҳамда унга қарашли ташки-
лотларда ўтказилган назо-
рат тадбирлари чоғида
«Марказий аэрогеодезия»
ва «Самарқанд аэрогеоде-
зия» давлат унитар корхо-
налари томонидан бажари-
лган ишлар қийматини шакл-
лантиришда дала ишлари
учун қўшимча маблағлар
ассосиз қўлланиши натижа-
сида 170,5 миллион ва 106,8
миллион сўм ортиқча ҳисоб-
лангани ҳамда тўлангани
аниқланди.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг биринчи ярмида пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январдаги мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси атрофлича таҳлил қилинди.

• Гулистонда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишга бағишланган ҳудудий семинар ўтказилди.

• Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тақдиротлари ўтказилди. Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан ташкил этилган тадбирда тумандаги касб-хунар коллежлари битирувчилари ўз мутахассислиги бўйича билим ва маҳоратини намойиш этди.

• Жиззах вилоятида 106,5 минг гектар суғориладиган, 68,1 минг гектар лалмикор майдонларда етиштирилган ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ишлари яқунланди.

ЖАҲОНДА

• Тайванда маҳаллий йўналиш бўйича қатновчи «ATR-72» йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Кучли шамол эсаётгани учун учувчилар самолётни муваффақиятли қўндиролмаганликлари учун ҳаво лайнери аэропорт яқинидаги ерга кулаб, иккита уйга зарар етказди. Авиаҳалокат оқибатида 48 киши ҳаётдан кўз юмди, 10 киши жароҳатланди.

• Шимолий Вьетнамга етиб келган «Раммасун» тўфони ўн бир кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ушбу тўфон натижасида Хитойда қурбон бўлганлар сони эса йигирма олти кишига етди.

• Британиянинг Dovetailed компанияси қайта ишланган Fruit Printer 3D принтерини намойиш этди. Мазкур қурилма айна бўртма медаларни чоп этади. Лекин бу биз бозор, дўконлардан харид қиладиган ёки томорқада, боғда етиштирадиган медалар эмас, балки маза-ли таъм билан бойитилган желатин капсулаларидир. 3D Fruit Printer бу жараёнда сферификация деб номланадиган молекуляр гастрономия технологиясидан фойдаланади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Ушбу қонун лойиҳаси жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштиришга, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, шунингдек, миллий қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга қаратилган. Ушбу қонун лойиҳасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси суд ишчи юриштиш чоғида йўқолган жиноят ишчи ёки унинг материалларини ижро этиш учун прокурорга юборилмаган суд ҳужжатига кўра тиклаш механизмининг тартибга солуви модда билан тўлдирилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг кенгайтирилган мажлисини ўтказди. Унда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, шунингдек, экспертлар иштирок этдилар. Қонун лойиҳасининг барча моддаларини ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида ушбу ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди.

Депутатлар муҳокамасига «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда киритилди. Қонун лойиҳаси «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги ва айрим қонун ҳужжатлари нормаларини қабул қилинган қонунга мувофиқлаштириш зарурати туфайли ишлаб чиқилди. Тегishли тузатишлар «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига киритилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда масъул қўмита томонидан ушбу ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, фракциялараро дебатлар ўтказилди. Уларда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари қонун лойиҳасини яхшилаш юзасидан аниқ тавсиялар бердилар.

Модда-модда муҳокама қилиш чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда депутатлар юқорида қайд этилган барча қонун лойиҳаларини маромига етказиш, уларни ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги бошқа қонун лойиҳалари билан бирга қабул қилиш учун тайёрлашни масъул қўмиталарга топширилди.

Мажлис кун тартибига «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам (янги таҳрирда) иккинчи ўқишда киритилди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш соҳасида устувор йўналишларни амалга ошириш чора-тадбирлар

томонлама ва модда-модда муҳокама этиш якунларига кўра ушбу қонунни қабул қилди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилди.

Парламент кўйи палатасининг аъзолари «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида тайёрланган ва биринчи ўқишда кўриб чиқилган «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осийишталлигини тўғрисида»ги қонун лойиҳасига катта эътибор қаратдилар. Ушбу қонун лойиҳасига аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осийишталлигини таъминлашга доир давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгилаб берилади.

ри фаолиятини тўхтатиб туриш суд тартибиде амалга оширилишига эътибор қаратмоқчи эдим.

Саттор Рахматов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда мустиқилликнинг дастлабки кунлариданоқ фуқароларнинг соғлигини асраш, шу жумладан, аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осийишталлигининг ишончли норматив-ҳуқуқий базасини яратишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу қонун лойиҳаси аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осийишталлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг комплекс тизимини мустаҳкамлашга кўмаклашди, шунингдек, ижро этувчи органлар ва назорат қилувчи хизматларга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолатини назорат қилиш имконини беради.

Хусусан, қонун лойиҳасида аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осийишта-

кўллаш амалиёти, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва принциплари ўрганилди. АҚШ, Буюк Британия, Франция каби мамлакатларда санитария-эпидемиология масалаларида осийишталлигини таъминлаш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тажрибаси эътиборга олинди. Фикримизча, қонун лойиҳасида профилактика ишларини ташкил этиш масалаларига ва ўтказиш тартибига, хусусан фуқароларни гигиенага ўргатиш ва тарбиялашга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги билим, кўникма ва малакага эга бўлишга ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу масалалар аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осийишталлигини таъминлашнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Дилором Файзиева, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзоси:

— Қонун лойиҳаси тараққиётнинг бугунги даражасини ҳамда атроф-муҳит омилларининг салбий таъсири билан изоҳланадиган касалликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ҳал қилишга қўйилмаган талабларни инобатга олган ҳолда аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осийишталлигини таъминлашга қаратилган. Профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан жамоатчиликнинг фаоллигига ҳамда ваколатли давлат органларини қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Шунингдек, мамлакатимизнинг бугунги тараққиёт босқичида аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осийишталлигини таъминлашда жисмоний ва юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ва тўлдирувчи нормалар катта аҳамиятга эга.

Хозирги вақтда атроф-муҳитни ва инсон саломатлигини асраш нафақат давлатнинг, балки жамият, ҳар бир фуқаронинг вазифасига айланиб бораётганлигини ва бу Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг дастурий вазифаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу қонун лойиҳасининг концепцияси бизнинг депутатлар гуруҳимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ушбу қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмита ҳужжатни келиб тушган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасида котировка, котировкалар, трейдер, биржада бозорни манипуляция қилиш, инсайдерлик ахбороти, инсайдерлик битими, маркет-мейкер, икки томонлама котировка, ҳосила воситалар каби тушунчалар киритилмоқда. Депутатларнинг фикрича, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши биржа фаолияти ва биржалар иши масалаларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун шарт-шароит яратиш, биржа бозори иштирокчилари, акциядорлар ва давлатнинг манфаатларини мувозанатга келтириш, мамлакатимиз биржа бозорининг жаҳон биржа бозорига уйғунлашуви учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини жаҳоннинг етакчи биржалари фаолиятини тартибга солуви қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш имконини беради.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида ишчи гуруҳ 50 дан ортиқ тадбир ўтказиб, уларда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари фаол иштирок этдилар. Улар томонидан депутатлар, экспертлар, олимлардан келиб тушган барча тақлифлар кўриб чиқилди. Уларнинг энг муҳимлари ушбу ҳужжатни маромига етказишда инобатга олинди. Қонунчилик палатаси ҳар

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Қахрамон Эргашев, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистонда «Соғлом бола йили» Давлат дастурини рўёбга чиқариш давом эттирилмоқда. Дастур доирасида соғлом, баркамол авлодни шакллантириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда, янги қоидалар ва нормалар ишлаб чиқиш давом эттирилмоқда. «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осийишталлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир. Ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизда барқарор санитария-эпидемиологик вазиятни сақлаш учун аҳоли саломатлигини асраш ва турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича изчил чора-тадбирларнинг боришини тизимлаштириш ва тартибга солиди.

Биз қонун лойиҳаси қабул қилинишини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳўжалик юритувчи субъектлар учун инвестиция муҳити ва бизнес иқлими ёмонлашишига йўл қўймайлик муҳимлигини таъкидламоқчи эдик. Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектла-

лигини таъминлаш доирасида меҳнат шартло-ларига қўйилмаган санитария-эпидемиологик талабларни аниқлаштириш назарда тутилмоқда, бу эса мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун тенг ва ижтимоий жиҳатдан қулай меҳнат шартлоларини яратиш, уларнинг ўз касби билан шуғулланишини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишга хизмат қилади. Бу эса партиямиз Дастурининг устувор йўналишларидан биридир.

Мавлуда Алимова, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Бизнинг партиямиз «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осийишталлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳамда бугун мамлакатимизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган кенг кўламли сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга, ижтимоий ҳавфли касалликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришга қаратилган миллий давлат дастурларини фаоллаштириш ушбу йўналишдаги асосий вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Ойша Охунова, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда жиддий муаммолар, давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатининг ҳолати ва

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ — ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларида ўтказилган назорат тадбирлари «давомида бюджет интизомини» ва амалдаги қонунчиликка риоя этмаслик ҳолатлари ҳам аниқланди.

Масалан, қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майда қабул қилинган 153-сонли қарорида белгиланган талаблар бузилган ҳолда, лимитдан ташқари умумий қиймати 110,4 миллион сўмлик 14 хизмат автоматшаси сақланмоқда. Амалдаги нормаларга мувофиқ ушбу автомашиналар кимошди савдолари орқали сотилиши, тушган маблагнинг 50 фоизи бюджет даромадида ўтказилиши лозим.

Бундан ташқари, қўмитанинг Бухоро вилоятидаги бўлинмалари фаолиятини ўрганишда Вобект, Пешку ва Когон туманларида томорқа участкаларини инвентаризация қилиш бўйича қиймати 200 миллион сўмлик ишлар сифатсиз бажарилгани ва қўмита ушбу камчиликларга йўл қўйган айбдор муассасаларга нисбатан 40 миллион сўм миқдорида жарима санкцияларини қўлагани аниқланди.

Тегишли натижаларига асосан йўл қўйилган камчилик ва ҳуққонлар бартафари қилинди, инвентаризация бўйича ўзгартирилган маълумотлар туман солиқ органларига тақдим этилди.

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ ва ўрмон ҳўжалигини юришти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ер ажратишда зарар кўрилган 7404,0 миллион сўм миқдорида қишлоқ маблагини ундириш бўйича тегишли чоралар кўрмаган, ўз вақтида амалга оширилмаган тўловлар учун 1283,1 миллион сўм миқдоридаги пеня ҳисобланмаган.

2012-2013 йилларда қўмитанинг таркибий бўлинмалари томонидан жисмоний шахсларга кадастр маълумотномаларини беришда тариф ошириб кўрсатилган ва бунинг оқибатида қиймати 1581,1 миллион сўм асоссиз даромад олинган.

Ҳосилдорлиги паст ерларда пахта етиштириш билан шуғулланадиган қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига давлат томонидан дотация берилмоқда. Текширув чоғида ҳосилдорлиги юқори ерларга эга 44 қишлоқ ҳўжалиги корхонасига 131,4 миллион сўм бюджет маблаглари асоссиз тўлангани, экин майдонлари ҳўжми суъий равишда оширилиши натижасида 36 та фермер ҳўжалигига 28,8 миллион сўм ортиқча ажратилгани аниқланди.

Бундан ташқари, туман комиссиялари аъзолари олинмаган ҳосил миқдорини нотўғри аниқлагани оқибатида 1066 қишлоқ ҳўжалиги корхонасига 1931,0 миллион сўм ортиқча тўланган.

Туман комиссиялари томонидан ҳисобга олинган пахта майдонларининг балл-бонитет кўрсаткичлари туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг ер хариталарида кўрсатилган шундай кўрсаткичлар билан таққосланди. Таққослаш давомида 386 қишлоқ ҳўжалиги корхонаси томонидан туман комиссиясига ерларнинг балл-бонитет кўрсаткичлари пастайтирилган маълумотлар тақдим этилгани аниқланди. Бунинг натижасида ушбу 386 қишлоқ ҳўжалиги корхонасига 625,5 миллион сўм ноконуний тўланган.

Навоий вилояти маҳаллий бюджетининг 2013 йилги иқросини ўрганишда қиймати 508,4 миллион сўмлик солиқ, йўғим ва бошқа тўловлар қўшимча ҳисобланди ва шунинг 429,6 миллион сўми ундирилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган бюджет маблагларидан мақсадли ва манзилли фойдаланишини ўрганиш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари давомида ўзини ўзи бошқариш органлари амалдаги меъёрий ҳўжатларни бузган ҳолда, оила-лар даромадини етарли даражада ўрганмасдан, қал-

баки ҳўжатлар асосида ва комиссиялар қарорисиз нафақа ҳамда моддий ёрдам берилгани аниқланди.

Натижада Қизилтепа туманидаги 34 та ўзини ўзи бошқариш органида 56 нафар фуқарога 31,5 миллион сўм, Навбахор туманининг 22 та ўзини ўзи бошқариш органида 60 нафар фуқарога 39,4 миллион сўм, Нуро-та туманидаги 18 та ўзини ўзи бошқариш органида 61 нафар фуқарога 23,6 миллион сўм ва Хатирчи туманидаги 29 та ўзини ўзи бошқариш органида 36 нафар фуқарога 29,3 миллион сўм нафақа ва моддий ёрдам нотўғри тайинланган ва шунинг 63,8 миллион сўми тўланган.

Шунингдек, вилоят таълим муассасаларида меҳнат қилаётган педагогларнинг маълумотини тасдиқлайдиган ҳўжатлар ҳақиқийлигини текшириш чоғида 57 таълим муассасасида ишлаётган 72 нафар педагогнинг дипломи қалбаки экани ва уларга бюджетдан 1693,3 миллион сўм тўлангани аниқланди.

Соғлиқни сақлаш тизимини муассасаларида бюджет ва смета-штат интизомига риоя этиш ўрганилганда, текширилган тиббиёт биришмаларининг штат жадвалига нормадан ортиқ 8,75 штат бириги киритилиши натижасида 63,8 миллион сўм ортиқча тўлаш режалаштирилган ва шунинг 44,1 миллион сўми тўлангани, ходимлар разрядининг оширилиши оқибатида эса 11,8 миллион сўм бюджет маблагини ортиқча сарфлангани аниқланди.

Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги йўл-жойлар, коллеж ва спорт мақсадлари қурилаётган массивларда ички йўллар ва сув таъминоти тармоқларини барпо этиш учун бюджет маблагларини режалаштириш таҳлил этилганда олтига объекта бошлангич қурилиш қиймати 276,2 миллион сўмга оширилгани аниқланди, шундан тўрт объекта ортиқча сарфланган 168,5 миллион сўм кейинчалик пудратчи ташкилотни молиялаштириш даврида камайтириб қолинди.

Бундан ташқари, мазкур объекتلарда сарфланган харажатларни ўрганиш бўйича ўтказилган назорат тадбирларида қиймати 208,7 миллион сўмлик иш ҳўжми ошириб кўрсатилгани ва сифатсиз бажарилгани аниқланди.

Жумладан, Хатирчи туманидаги «Янги қишлоқ» ва «Фаллабек» массивларида сув таъминоти объектиларини барпо этиш учун ажратилган 13,7 миллион сўм маблагдан самарасиз фойдаланган, шунингдек, Агро-сервис касб-ҳўнаар коллежида 62,2 миллион сўмлик ишламайдиган 12 иситиш қозони ўрнатилгани сабабли объектиларни ичимлик суви, биноларни иссиқлик билан таъминлаш имконини бермаган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва «Ўқув таълим таъминот» давлат унитар корхонаси ўртасида тузилган шартнома асосида таълим муассасаларига 8276 тонна қўмир бешта транспорт корхонаси томонидан етказиб берилган ва уларга кўрсатилган 698,1 минг тонна/километр ҳажмдаги транспорт хизматлари учун 418,9 миллион сўм тўланган ёки 129 миллион сўм бюджет маблагларни ортиқча тўланган.

Шунингдек, 6 та тумандаги «Баркамол авлод» бола-лар марказларини жиҳозлашда «бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб-фактура»ни қалбақлаштириш орқали хусусий корхонага 668,3 миллион сўм бюджет маблагини ўтказилгани, амалда эса 43,5 миллион сўмлик инвентарь етказиб берилгани ёки 624,8 миллион сўмлик инвентарь етишмаслиги аниқланди.

Педагогика йўналишидаги еттига олий ўқув юрти текширилганда белгиланган ўқув юкларининг бажармаган педагог ходимларга бюджет маблаглари ҳисобидан иш ҳўжми асоссиз берилган ҳолатлар аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси

Бугун Тошкент Фотосуратлар уйида латвиялик таниқли расом Валдис Бушс асарлари кўргазмаси очилди.

ЛАТВИЯ МАНЗАРАЛАРИ КЎРGAЗMАСИ

Кўргазма Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Валдис Буш Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Экспозициянинг очилиш маросимида кенг жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари, расомлар, санъатшунослар ҳамда тасвирий санъат ихлосмандлари иштирок этди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Эдгарс Бондарс ва бошқалар сўзга чиқиб, давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармо-вий ва маданий ҳам-корлик янада ривож-ланиб бораётгани, бу-гунги кўргазма ҳам ўзаро маданий алоқа-лар мустаҳкамлани-шида яна бир муҳим қадам бўлишини таъ-кидлашди.

— Таниқли латвиялик расом Валдис Бушнинг бугунги кўргазма-сида асосан манзара жанридаги асарлар ўрин олган, — дейди

«Туркистон-пресс»



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 июль кўни ҳаво бир оз ўзабрий туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секунди-га 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-

21, кундузи — 36-38 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиغا кўра, 26 июль эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратибди. Иф-лосланиш таъмиқдори паст бўлади.

